

БАНКЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ

(2023 йил I чорак якуни бўйича)

КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ПРУДЕНЦИАЛ НАЗОРАТИ ДЕПАРТАМЕНТИ

Кредитлаш ва кредит портфели сифати

Банклар томонидан 2023 йил I чорагида **54 трлн сўм** миқдорда ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 42 фоиз ортиқ **кредитлар ажратилган**.


Мазкур кредитларнинг **64 фоизи** (34,4 трлн сўм) корпоратив ва **36 фоизи** (19,2 трлн сўм) аҳолига ажратилган кредитлар ҳиссасига тўғри келади (1-диаграмма).

Корпоратив кредитларнинг **45 фоизи** (ёки 13,5 трлн сўмини) **айланма маблағларни** тўлдириш учун ажратилган револьвер кредитлардир.

Шунингдек, ажратилган кредитларнинг 30 фоизи **қисқа муддатли** ва 70 фоизи **узоқ муддатли**, валюталар қирқимида эса 67 фоиз кредитлар **миллий валютада** ва 33 фоиз **хорижий валютадаги** кредитлар ҳиссасига тўғри келади.

Мазкур даврда тижорат банклари томонидан **39 трлн сўмлик** кредитлар сўндирилган бўлиб, **қайтувчанлик даражаси 72 фоизни** ташкил этган.

1-диаграмма




Банкларнинг **жами кредит қўйилмалари қолдиғи** 2023 йил 1 апрель ҳолатига **408 трлн сўмни** ташкил этиб, уларнинг **73 фоизи** корпоратив кредитлар, **27 фоизи** чакана кредитлар ҳиссасига тўғри келади (2-диаграмма).

Жами кредит портфели қолдиғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **20 фоизга** ёки 67,9 трлн сўмга, хусусан, корпоратив кредитлар **12 фоизга** (31,2 трлн сўм) ва аҳоли кредитлари **37 фоизга** (36,7 трлн сўм) ўсган.

Аҳолига ажратилган кредитлар таркибида автокредитлар **26,4 трлн сўм** (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 баробарга ўсган), ипотека кредитлари **48,5 трлн сўм**

(28 фоизга ўсган) ва микроқарзлар **16,4 трлн сўмга** (36 фоизга ўсган) етган.

2-диаграмма




Маълумот учун: Кредит портфелининг сўнги 12 ой давомида энг юқори ўсиши 2023 йилнинг 1 март ҳолатида (21,5 фоиз) кузатилган бўлиб, бунда хорижий валютадаги кредитлар **31 фоиз** ва миллий валютадаги кредитлар **эса 16 фоизга** ошган.

Валюталар қирқимида кредит портфелининг 2022 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиши миллий валютада **28 фоизни** ташкил этган бўлса, хорижий валютадаги кредит портфели **12 фоизга** ўсган.

Бугунги кунда, банкларнинг жами кредит портфелининг долларлашув даражаси **46,9 фоизни** ташкил этиб, 2023 йил мос даврига нисбатан **3 фоиз бандга** пасайган (3-диаграмма).

Мазкур ҳолат, хорижий валютадаги кредитларнинг қайтувчанлик даражасининг **85 фоизни** ташкил этганлиги ҳамда ўтган йил мос даврига нисбатан банклар томонидан ажратилган кредитлар таркибида хорижий валютадаги кредитлар улуши 33 фоиздан 32 фоизгача пасайганлиги билан изоҳланади.

3-диаграмма




Кредит портфели сифати

Банк тизимида муаммоли кредитлар (NPL) улуши 2023 йил

1 апрель ҳолатига **3,5 фоизни** (14,3 трлн сўм) ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,4 фоиз** бандга пасайган.

Бунда, корпоратив кредитларнинг NPL қисми мос равишда **1,2 фоиз** бандга пасайиб, **3,5 фоизни**, чакана кредитларда эса **2,3 фоиз** бандга пасайиб, **3,6 фоизни** ташкил этган (4-диаграмма).


4-диаграмма



Валюталар қирқимида NPLнинг 67 фоизини **миллий валютадаги** ва 33 фоизини **хорижий валютадаги** кредитлар ташкил этса, мижозлар қирқимида 27 фоизи **жисмоний шахслар** ва 73 фоизи **корпоратив мижозлар** ҳиссасига тўғри келади (5-диаграмма).

Жисмоний шахсларга ажратилган кредитларда NPL улуши ипотека кредитлари бўйича **21 фоизни** (810 млрд сўм), микроқарзларда **8 фоизни** (311 млрд сўм) ва автокредитларда **4 фоизни** (152 млрд сўм) ва ташкил этган.

5-диаграмма



Кредит қўйилмаларида NPL улуши **тармоқлар қирқимида** уй-жой коммунал хизмат кўрсатишда **10,9 фоиз**, қурилиш соҳасида **7,8 фоиз**, савдо ва умумий хизмат соҳасида **7,1 фоиз**, қишлоқ хўжалигида **3,8 фоиз**, саноат соҳасида **2,8 фоиз** даражасида шаклланган (6-диаграмма).


Шунингдек, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан тармоқлар кесимида NPL улуши уй-жой коммунал хизматлар соҳасида **8,5 фоиз**, қишлоқ хўжалигида **2,8 фоиз**, қурилиш соҳасида **1,5 фоиз** ҳамда савдо ва умумий овқатланиш соҳасида **1,2 фоиз** бандга пасайган.

6-диаграмма



Тижорат банклари кредит портфелидаги NPLнинг улуши бўйича гуруҳланганда **20 та банкда** 3 фоизгача (банк тизими жами активларида улуши 65 фоиз), **4 та банкда** 3,1 дан 5 фоизгача (24 фоиз) бўлса, **9 та банкда** 5,1 фоиздан юқори бўлиб, уларнинг жами активлардаги улуши 11 фоизни ташкил этган (7-диаграмма).

7-диаграмма




Шунингдек, ўтган йил давомида тизим бўйича NPLнинг камайиши натижасида, NPL улуши **3,1 фоиздан 5 фоизгача** бўлган 7 та банкда **3 фоизгача** пасайган бўлса, NPL улуши **5,1 фоиздан юқори** бўлган банклар сони ва уларнинг тизим бўйича активлардаги улуши ўзгаришсиз қолган.

Кредит хатарларининг банклар молиявий барқарорлигига бўлган салбий таъсирини юмшатиш мақсадларида банклар томонидан шакллантирилган жами захиралар қолдиғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **18 фоизга** ошган.

Банкларда муаммоли кредитларни захиралар билан қопланиш даражаси 27 фоиз бандга ошиб, 2023 йил 1 апрель ҳолатига қарийб **100 фоиз** шаклантирилган.

Соф NPL¹нинг капиталга нисбати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **5,2 фоиз** бандга камайиб, **9,4 фоиз**ни ташкил этган (8-диаграмма).

8-диаграмма




Ликвидлилик

2023 йил 1 апрель ҳолатига банкларнинг жами депозитлари қолдиғи **206 трлн** сўмни ташкил этиб, уларнинг **32 фоизи** аҳоли ва **68 фоизи** юридик шахслар маблағлари ҳисобидан шаклланди (9-диаграмма).

Бунда, йил давомида миллий валютадаги аҳоли депозитлари **72 фоизга** ва хорижий валютадаги депозитлари **63 фоизга** ўсган.

Жами депозитлар қолдиғи таққосланаётган давр мобайнида **52 трлн** сўм ёки **34 фоизга** ўсган ҳолда, уларнинг жами мажбуриятлардаги улуши ушбу даврда **41 фоиздан 43 фоизгача** ошган


9-диаграмма



¹Захиралар чегирилган ҳолда NPL қолдиғи


Депозитларнинг долларлашув даражаси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,5 фоиз бандга пасайиб, ҳисобот санасига **35,9 фоизни**, шундан юридик шахслар депозитлари бўйича **35,1 фоизни** ҳамда жисмоний шахслар депозитлари бўйича эса **37,6 фоизни** ташкил этган (10-диаграмма).

10-диаграмма



Юқори ликвидли активларнинг жами активлардаги улуши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **0,9 фоиз** бандга ошиб, ҳисобот санасига **15,6 фоизга** ёки **88 трлн сўмга** етган (11-диаграмма).

11-диаграмма




Юқори ликвидли активлар ўсиши банкларда асосан мижозларнинг жами депозит маблағлари 52,2 трлн сўмга (34 фоизга) ўсиши ҳисобига юз берган.

Банкларнинг қисқа муддатли ликвидлилик кўрсаткичи – ликвидликни қоплаш меъёри коэффиценти (LCR) ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **14 фоиз** бандга ўсиб, **173 фоизга** етган. Бунда, банкларнинг 30 кундаги соф чиқимлари **27 фоизга** ўсган бўлса, юқори

ликвидли активлар суммаси **38 фоизга ўсган (12-диаграмма).**


12-диаграмма



Шунингдек, банкнинг узоқ муддатли ликвидлилик кўрсаткичи – **соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти** ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,4 фоиз** бандга пасайган ва **112 фоизни** ташкил қилган (13-диаграмма).

Мазкур ҳолат банкларда барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммаси **18,6 фоизга** ва барқарор молиялаштиришнинг зарур суммаси эса **20,1 фоизга** ошганлиги билан изоҳланади.

13-диаграмма




Рентабеллик кўрсаткичлари

2023 йил I чорак якуни бўйича тижорат банкларида соф фойда **3,1 трлн сўмни** ташкил этган.

Бунда, банклар томонидан 2023 йилнинг январь-март ойлари давомида **31 трлн сўм** миқдорида даромадлар олиниб, **28 трлн сўмлик харажатлар** амалга оширилган.

Натижада, капитал рентабеллиги (ROE) кўрсаткичи **15,1 фоиз**, активлар рентабеллиги (ROA) эса **2,8 фоиз** даражасида шакланган (14-диаграмма).

14-диаграмма



Операцион самарадорлик (CIR) кўрсаткичи (халқаро амалиётда мақбул даражаси 50 % атрофида қабул қилинган) ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,8 фоиз бандга ошиб, **24,3 фоизни** ташкил этган.

Бунда, тизимнинг **операцион харажатлари 4 трлн сўмни** ҳамда **операцион даромадлари** (соф фоизли ва фоизсиз даромадлар) **16 трлн сўмни** ташкил қилган (15-диаграмма).

Шунингдек, ўтган давр мобайнида операцион самарадорлик кўрсаткичининг ўсишига банклардаги операцион харажатлар ўсиш (41,2%)

тенденцияси операцион даромадларнинг ўсишига (36,5%) нисбатан юқори даражада шаклланганлиги сабаб бўлган.

15-диаграмма

